ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯПОНИЯ БИЛАН ИЛМИЙ - ТЕХНИКАВИЙ АЛОҚАЛАРИ

Бурхон Бўронович Жаҳонгиров
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг Япония билан илмий - техникавий алоқалари масаласи қисқача кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: Фанлар академияси, илмий марказлар университет, институт, лицей, илмий салоҳият, илм-фан, илмий-тадқиқот, илмий ҳамкорлик, халқаро алоқа, шартнома, конференция, илмий семинар.

SCIENTIFIC AND TECHNICAL RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND JAPAN

Burkhon Buronovich Jahongirov
Uzbekistan State University of Physical Culture and Sports

ABSTRACT

This article briefly discusses the issues of scientific and technical relations between Uzbekistan and Japan.

Keywords: Academy of Sciences, research centers university, institute, lyceum, scientific potential, science, research, scientific cooperation, international relations, agreement, conference, scientific seminar.

КИРИШ

Ўзбекистоннинг халқаро илмий алоқаларида Япония муҳим ўрин тутади. Ўзбек - япон илмий алоқалари узоқ йиллар давомида ривожланиб, айрим олимларнинг ўзаро боғланишларидан йирик академик ва бошқа илмий даргоҳларнинг кенг миқёсдаги ҳамкорлиги даражасига кўтарилди. Бу айниқса, фаннинг математика, физика, кимё, сейсмология, тарих, археология соҳаларида яққол кўринади. Ҳозирги даврда Ўзбекистон билан Япониянинг илмий потенциали ва унинг маълум йўналишларида бир-бирини тўлдирувчилик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда мазкур алоқаларни янги босқичга кўтарадиган ҳукуматлараро илмий-теник ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар тузилиб фаолият олиб борилди.

Ўзбекистон ва Япония сейсмик жиҳатдан ер шарининг бир хил минтақасида жойлашганлиги сабаб, Ўзбекистон Фанлар Академияси Астраномия институти олимлари Япониянинг қатор турдош илмий даргоҳлари билан ҳамкорликда астраномик вақт ва географик координатларни аниқлаш ҳамда ернинг қутблари ҳаракатини кузатиш соҳасида биргаликда тадқиқотлар қилмоқда. [1.67]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Илмий ҳамкорлик доирасида А,Султонхўжаев 1987 ва 1988 йилларда Японияда бўлди ва гидрогеосейсмология маълумотларини йиғиш ва қайд қилишнинг телеузатув усулларини такомиллаштириш бўйича ҳамкорликда ишлар олиб борди. Япониянинг бир неча сейсмик жиҳатдан фаол минтақаларидаги зилзилани олдиндан аниқлаш станциялари ишлари билан танишган олим, ҳамкорликни кенгайтириш хусусида келишиб олди. [2. 3.]

Ўзбек ва япон математиклари ўртасида ҳам салмоқли ҳамкорлик тадқиқотлари олиб борилди. Ўзбекистонда эҳтимоллар назарияси ва математик статистика соҳасида эришилган натижалар сабаб, Япониянинг Токио, Осака ва Киото университетлари Токио технология институтлари билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширилди. Ўзбек математикларининг япон олимлари билан ҳамкорлик алоқалари 1986 йилда Киотода ўтказилган IV симпозиумда қатнашиши билан янада мустаҳкамланди.

Математиклар ҳамкорлик алоқалари Халқаро “Бернулли” жамияти доирасида олиб борилиб, жамият математик статистика ва эҳтимоллар назариясини кишилар фаолиятининг ҳамма жабҳаларига тадбиқ қилишни мақсад қилиб қўйган. Шунга кўра ўзбек ва япон олимлари кўп йиллик ўзаро алоқаларининг тажрибасини янги йўналишларда ҳам муваффақиятли қўллаб келдилар. 1986 йилда Тошкент давлат техника университети ва Фанлар академияси олимлари фаол иштирокида “Бернулли” жамиятининг I Бутунжаҳон анжумани ўтказилиб, унда профессор Р. Шимицу бошчилигида япон математиклари қатнашди. [3.23]

1986 йилнинг октябрида Тошкентда “Япон илмий - техник адабиётлари биринчи миллий кўргазмаси” муваффақиятли ўтказилди, унда инглиз ва япон тилларида тилларидаги 45 та нашриётнинг 500 илмий монография ва 40 та яқин вақтли матбуот нашри намойиш қилинди.[4. 292.]

1980 - йилларда фундаментал соҳалардаги ўзбек – япон ҳамкорлиги доирасида яна қатор бошқа илмий марказлар билан масалан, Фанлар Академияси Ядро физикаси институти билан Япониянинг Нагойя университети олимлари ҳамкорлик олиб борилди. Ўзбекистон Фанлар Академияси Биорганик институти профессори А.Охунов 1987 йилда Токиода бўлиб ўтган “Кинин – 87 ” V-халқаро

анжуманда маъруза билан иштирок этиб, институтда яратилган препаратларни сотиш масалаларида келишиб олди. “Искра индустри Ко ЛТД” фирмаси вакиллари бир йилдан сўнг институтда бўлганларида гулхайри ўсимлиги барглари концентрати ва уни тайёрлаш технологиясини сотиб олиш бўйича ўзаро шартнома имзолашди. [5.3.]

Ўтган асрнинг 80 - йилларида япон туркшунослигида ўзбекшунослик шакллана бошланди, 1987 йилда Ўзбекистонда илмий сафарда бўлган профессор Кого Масаноро (Хитоцубаси университети) мамлакатимиздаги мусулмончилик, диндорларнинг сони, ижтимоий ва моддий аҳволи, исломнинг шу ерга хос бўлган айрим анъаналар ва эътиқод қилувчиларга давлатнинг муносабати ўрганилди.[6.17.]

Сока университети ижтимоий фанлар бўлимининг Марказий Осиё тархи бўйича профессори Като Кюдзо жаҳонга танилган Ўзбекистонлик қадимшунос олимлар - академиклар Яҳё Ғуломов, Галина Пугаченкова, Эдвард Ртвеладзе ҳамда таниқли археологлар Шокир Пидаев ва Баҳодир Турғуновлар билан илмий ҳамкорликда ишлади. Като Кюдзо Ўзбекистон олимлари қаламига мансуб “Қадимги Панжикент”, “Кўҳна Хоразм” сингари бир қатор китобларни, шунингдек, машҳур шарқшунос А.Якубовскийнинг Самарқанд тарихига бағишланган ҳамда Л. Альбаумнинг Афросиёбдаги тасвирий санъат намуналари тавсиф этилган асарларини япон тилига таржима қилган ва Японияда нашр этишга бош-қош бўлган. Япон олими она тилидан ташқари, ўзбек, рус, инглиз, француз, турк тилларидаги китобларни бемалол мутолаа қилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

1988 йилда Япониянинг қадимги пойтахти Нарада “Ипак йўли Нарага олиб боради” мавзусида ташкил этилган халқаро кўргазмада Ўзбекистондаги икки ёдгорлик: Фаёзтепа буддавийлик монастири (эски Термиз ҳудуди) ва Далварзинтепадан топилган бир неча буддавийлик санъати намуналари намойиш этилади. Бу нафақат Като Кюдзо сингари мутахассисларда, балки кенг япон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотиши натижасида 1989 йил августида профессор Като Кюдзо, Хиронобону Ишино, Хироси Камеда, Кендзи Дои, Мицури Кояма, Мотому Аота, Эйдзиро Иоошиока, Кадзуо Оядан иборат япон археолог олимлари Ўзбекистонга келиб Далварзинтепадаги қазиш ишларида қатнашдилар.[7.27.]

1989 йилда ҳозирги Ўзбекистон Фанлар академияси санъатшунослик институти ва Япониянинг Сока университети (Токио), Кашихарадаги археология институти ҳамкорликда археологик қазув ишлари олиб боришга келишилди. Шу йили Б. Турғунов ва Като Кюдзо раҳбарлигида Шўрчи туманидаги

Кушон подшолиги даврига оид (I-III аср ўртаси) Далварзинтепада археологик қазув ишлари бошланди.Ушбу қазишма ишлари баробарида Японияда юртимизнинг қадимги тарихи ва маданияти тўғрисида бир неча тилларда асар яратиш устида ҳам иш олиб борилди. 1991 йилда Токиода Сока университети томонидан ўзбекистонлик археолог олимлар Г. А. Пугаченкова, Э. В. Ртвеладзе, Б. А. Турғунов ҳамда Като Кюдзо ҳаммуаллифлигида “Жанубий Ўзбекистоннинг қадимиётлари” асари нашр этилди.

1997 йилда Като Кюдзо японияликларни юртимизнинг қадимги тарихи ва маданияти билан бевосита яқиндан таништириш мақсадида “Сюан Цзян излари бўйлаб” халқаро сайёҳлик гуруҳининг Марказий Осиё бўйлаб сафарини ташкил этади ва буни “Като сэн сэй” яъни, “Като устоз” шараф билан уддалайди. Шу йили профессор Като Кюдзо ҳамроҳлигида 90 га яқин япон сайёҳлари Термизга келди. [8.4.]

Таниқли олим Като Кюдзо сэн сэй умри давомида мамлакатимиз тарихи ва маданиятини ўз ичига олган “Ўрта Осиё ёдгорликларига сайёҳат”, “Ўрта осиё тарихи ва маданияти”, “Сибирь тарихи”, “Ипак йўли чорраҳаси”, “Осиёнинг чуқур қатлари”, “Сибирь, тайга ва даштлар”, “Евроосиё цивилизацияси бўйлаб саёҳат”, “Ўрта Осиёнинг буюк шахслари”, “Далварзинтепа шаҳристони”, “Ойхонум”, “Термиз ҳақида”, “Ўрта Осиёда Буддавийлик ёдгорликлари тарихи”, “Хоразм”, “Ўрта Осиё ёдгорликлари бўйлаб саёҳат” каби 20 дан ортиқ монография, 200 дан ортиқ мақола ёзган ҳамда мамлакатмиз олимларининг 20 дан ортиқ илмий - адабий асарларини япон тилига таржима қилган. [9.60.]

Япония илмий доиралари вакиллари ва мамлакатимиз ўртасидаги гуманитар алоқаларга ҳамда мамлакатимиз тарихини ўрганишга қўшган салмоқли ҳисса учун давлатимиз Президентлари томонидан “Дўстлик” ордени, Термиз шаҳрининг фахрий фуқаролиги ҳамда Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 43-мактабига япон археологи номи Като Кюдзо номи берилди. [10.60.]

1991 йил Ўзбек – япон олимлари ҳамкорлиги самараси сифатида “Жанубий Ўзбекистоннинг қадимий асори - атиқалари” альбом - китоби рус, япон ва инглиз тилларида Токиода нашр қилинди. Альбом-китобда Ўзбекистон Санъатшунослик институти музейидаги 346 буюмнинг аъло сифатли сурати изоҳлар билан берилган. [11.65]

1991 йилда Япония мутахассислари шифобахш ширинмия ўсимлигини етиштиришда Ўзбекистон Фанлар Академияси Ботаника институти олимлари томонидан яратилган технологиядан фойдаланиш бўйича ўзаро шартнома имзоланди. [12.4.]

1992 йил апрел - июнь ойларида япониялик физикларнинг таклифига биноан профессор М. Мусахонов, Токио, Киото, Саппоро, Нагойя ва Ниигата шаҳарларида илмий сафарда бўлиб, Васада университети профессори жаҳонга таниқли олим Намики, Киотодан профессор Руи Сасаки, Нагойядан Савада, Хоккайдодан Фудзуи каби олимлар илмий суҳбатда бўлиб, Хоккайдо университети физика бўлими раҳбари профессор У. Шиозаки билан назарий физика соҳасида биргаликда тадқиқотлар олиб боришга келишиб олишди. Кейинги йилларда Японияда Ўзбекистон тарихини давлат ва хусусий университетлар ҳамда ўндан ортиқ махсус тадқиқотлар марказлари ўрганишмоқда.Айниқса, Токиодаги давлат ва хусусий Токей университетларида Киото, Сока, Кейо университетларида, Токио ва Осакадаги чет тиллар институтида бу ишлар кенг миқёсда олиб борилмоқда. Токио университети профессори Мори Масао Ўзбекистонда икки марта бўлиб қадимги турк тарихи, Урхун-Енисей ёзуви устида тадқиқот олиб борди. Шу университет профессори Ямаучи Ўрта Осиё тарихи бўйича 6 та китоб ёзган. Киото университети профессори Кувояма Шошин Ўрта Осиё тарихини исломгача бўлган даври бўйича катта тадқиқотлар қилган. [13.4.]

Маданиятлараро мулоқотни муваффақиятли ривожлантиришда 1999 йил таъсис этилган “Ўзбекистон - Япония” дўстлик жамиятининг салмоқли ўрни бор. Жамият Кунчиқар мамлакатнинг “Япония - Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси ва “Фукушима - Ўзбекистон” маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциацияси билан яқин алоқалар ўрнатган. 2001 йил Тошкент марказида очилган “Япон боғи” ўзбекистонликларнинг ҳордиқ чиқарадиган ва турли тантанали тадбирлар ўтказадиган севимли масканига айланган. Таниқли япон рассоми Икуо Хираяма билан ҳамкорликда пойтахтимизда 2002 йил асос солинган Ўзбекистон - Япония илмий-ижодий “Маданият карвон саройи” замонавий маданият маркази сифатида фаолият юритмоқда.

2004 йил Кунчиқар мамлакат ташаббуси билан ташкил этилган “Марказий Осиё + Япония” формати ушбу давлат ва минтақа мамлакатлари ўртасида савдо-сотиқ, инвестициялар, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга хизмат қилиб келмоқда. Икки томонлама шартномалар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлмоқда. Мамлакатларимиз ҳамкорлик йиллари бундай мазмундаги 160 дан ортиқ ҳужжатни имзолаган. Японияда ҳам халқимизнинг қадимий тарихи ва маданиятига қизиқиш катта – ушбу мамлакатда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарларини мутолаа қилишади ва севишади. 2004 йил Сока

университетида ўзбек адабиётининг мумтоз вакили ҳайкали қад ростлади. [14.1.]

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Япония билан таълим, маданият, спорт, илм-фан ва технология соҳаларида келишувлари асосида мамлакатимиз олий ўқув юртлари талабалари, мактаб, лицей ва коллеж битирувчиларига Япония университетлари ва коллежларида таҳсил олиш учун йиллик стипендиялар тақдим этилмоқда. Таълим соҳасидаги 20 йиллик ҳамкорлик алоқалари таҳлил қилинганда 4 мингдан ортиқ ўзбек талабалари Японияда таълим олди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Япония халқлари ўртасидаги чуқур тарихий ва маданий алоқалар, замонавий муносабатларнинг эришилган даражаси, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳали фойдаланилмаган улкан салоҳият мавжуд. Ўзбекистонннинг Япония билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ўрнатиш ва ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги ишларининг ажралмас бир бўлаги бўлиб ҳисобланади. Илмий - техникавий ҳамкорлик ишлари илм - фанимиз ривожини жадаллаштиришга хизмат қилиши, ҳозирги замон фанининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Хулоса ўрнида яна шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, мамлакатимизнинг яқин дўсти, археология фанига муносиб ҳисса қўшган олим Като Кюдзо Ўзбекистон билан Япония давлатлари ва халқлари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳақида “Мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлик имкониятлари ниҳоятда кенг, янада муҳими, худди шу ҳаётий воқелик келажагимизга ҳам даҳлдордир. Модомики, китобларим халқларимизни яқинлаштиришга хизмат қилар экан, бундан бошим осмонга етади”, дея таъкидлашни ҳамиша хуш кўрган.

REFERENCES

1. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Тренировочные нагрузки хоккеистов в подготовительном периоде. *Фан-спортга*, (4), 33-34.
2. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Физическая работоспособность в годичном цикле подготовительного периода подготовки квалифицированных футболистов. *Фан-спортга*, (3), 10-13.
3. Рустамов, Д. У., & Кенжаева, С. Х. (2021). Значение ролевых игр в формировании коммуникативных компетенций студентов изучающих иностранный язык. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.

4. Иброгимова, Н. М., & Абдумаликова, Г. Х. (2021). Организация правильного питания юных спортсменов. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
5. Сафарова, Д. Д., & Бобомуродов, Ф. И. (2019). МОРФО-КИНЕЗИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФАЗ ВЫПОЛНЕНИЯ БРОСКОВ В БОРЬБЕ ПО ВИДУ МИЛЛИЙ КУРАШ. In *Проблемы и перспективы физического воспитания, спортивной тренировки и адаптивной физической культуры* (pp. 122-126).
6. Сейдалиева, Л. Ж., Мусаева, У. А., & Серебряков, В. В. (2020). ФИЗИЧЕСКАЯ РАБОТОСПОСОБНОСТЬ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ ФУТБОЛИСТОВ НА РАЗЛИЧНЫХ ЭТАПАХ ГОДИЧНОГО ЦИКЛА. *Интернаука*, (9), 6-7.
7. САФАРОВА, Д. Д., & ЯДГАРОВ, Б. Ж. (2020). Динамика показателей специальной работаспособности спиринтеров на различных этапах общеподготоввительного периода. *Фан-спортга*. 54-56
8. Хайдаров, М., Алламуратов, М., & Хайруллаева, Н. (2021). Сравнительная оценка физического состояния подростков 11-16 лет с нарушением интеллекта. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
9. Юсупова, Р. И., Мусаева, У. А., & Юсупов, Г. А. (2021). Оценка состояния здоровья студенческой молодежи, обучающихся в вузах. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
10. Моргунова, И. И. (2020). Определение спортивной пригодности детей для занятий спортивной. *Фан-Спортга*, 75-78.
11. Xolisov, B. A. (2020). Sovet hokimiyatini o'rnatilishi va boshqaruv siyosati. *Oriental art and culture*, 115-118.
12. Академия наук Узбекской ССР.Справочник.-Т.:1986.с.67
13. "Правда вастока". 7 сентября 1988 года. с.3.
14.ЎзФА. Хорижий алоқалар бўлими жорий архиви материаллари.1986 йил.б.23.
15. Янония. 1987. Ежегодник. М., с. 292.
16. Правда вастока. 8 апреля 1988 года. с.3.
17.ЎзФА. Хорижий алоқалар бўлими жорий архиви материаллари.1991 й.б.17.
18. Древности ЮжногоУзбекистана.Альбом-каталог.Токио.1991.с.27.
19. Аннаев Т. Като Кюдзони эслаб... "Сурхон тонги" газетаси. 2018 йил 24 апрель.б.4.